

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 13

Жиззах шаҳри

«20» 04 2022 йил

Жиззах вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Мусурмонов Ф.Х. (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан "THE BEST INDUSTRIAL" хусусий корхонаси номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари О.Жуманов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар Буюртмачини талабномасига асосан ҳар куни Буюртмачида даволанаётган беморларни Пархез таомлар билан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил «20» 04 дан 2022 йил «31» 12 гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорига фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши. Фойдаланган коммунал харажатларни шартномада белгиланган тартибда қоплаши.

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилиши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартномага мувофиқ хизматлар нархи 963 000 000 (Тўрттачч юз сўми ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида, кўрсатилган хизматларнинг танарх қиймати аутсорсер томонидан белгиланган 20 фоиз устама фойдани қўшган ҳолдаги ҳақиқий қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг ҳақиқий қиймати асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий қиймати белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартномада кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

3.6. Аутсорсер томонидан фойдаланилган табиий газ ва электр энергия харажатлари алоҳида ўрнатилган газ ёки электр ҳисоблаш ускуналари кўрсаткичларига қараб тарафлар ўртасида имзоланган далолатномага асосан қопланади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Буюртмачи кўрсатилган хизмат ҳақини тўлашни шартномада белгиланган муддатдан кечиктирганда, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.3. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўлади.

### V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда иктисодий судга кўриб чиқиш учун берилади.

### VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

### VII. Яқунловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтган пайтдан кучга киради ва 1.3-бандда белгиланган муддат давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

### Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

“Буюртмачи”

«АУТСОРСЕР»

THE BEST INDUSTRIAL” ҳусусий корхонаси

Жиззах вилоятфтизиатрия ва пульмонология маркази

Манзил: Жиззах шаҳар, Сайилжойи МФЙ

ИНН: 200342614 ОКОНХ 91513

Ш.х/в: 100021860084017073201054001

Ўзб.Р. Молия вазирлиги ғазначилиги

Х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919

Марказий банк ББХКМ МФО: 00014

Директор: Ф.Х.Мусурмонов (имзо)

М.Ў

Юрисконсулт: Сулҳ

Манзил: Бахмал тумани, Гулбулоқ ҚФЙ

х/р: 20208000605165603001

Тошкент ш. АТ “Алоқабанк” бош офиси

МФО: 00401

СТИР: 306-829-552

Раҳбар: О. Жуманов (имзо)

М.Ў

Гув-ма № \_\_\_\_\_ й АБдан берилган

**Жиззах вилоят фтизиатрия ва пулмонология маркази  
БАЁННОМАСИ**

«29» апрел 2022 йил

№ 19

Жиззах шаҳри

**Кун тартиби: Аутсорсинг хизмати тўғрисида**

**Катнашдилар:**

Марказ директори Раис Ф.Мусурмонов, котиб  
Р.Избосарова, Комиссия аъзолари булим  
мулдери О.Кураков, Булим мулдери Х.Тагаев,  
шифокор О.Рашидов

Ушбу йиғилиш 22110012068421 лот бўйича Аутсорсинг иссиқ овқат билан тامينлаш хизмати бўйича давлат харидларига куйилган элон бўйича 26.04.2022 йил соат 09-45 да танлов булиб утди. Ушбу танловда “THE BEST INDUSTRIAL” ХК, FOOD SWEET WORK, ERK CAPITAL LUXE MCHJ, JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ, NAVBANOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ ва УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА корхоналари иштирок этди. Бу танловда энг яхши таклиф 963 000 000 сўм, ва юқори балл билан “THE BEST INDUSTRIAL” ХК корхонаси 2 кун муҳокамада бўлиб, ҳеч қандай этироз бўлмаганлиги сабабли танлаб олинди.

Йиғилиш қатнашчилари:

**Йиғилиш раиси:**

 **Ф.Мусурмонов**

**Котиб:**

 **Р.Избосарова**

**Булим бошлиғи:**

 **О.Кураков**

**Булим мулдери:**

 **Х.Тагаев**

**Шифокор:**

 **О.Рашидов**



## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 68421 на приобретение Аутсорсинг хизмати

Способ проведения электронный

Дата 26.04.2022

Время рассмотрения 26.04.2022 09:45

Конкурсная комиссия Жиззах вилоят силга карши кураш диспансери, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MUSURMONOV FAZLIDDIN XUDAYBERDIYEVICH	Директор	Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Секретарь комиссии</b>	IZBASAROVA RA'NO ABDURASHIDOVNA	Бош хамшира	Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	TAGAYEV XURSHID XUSENOVICH	Булим мудири	Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	KURAKOV OMON ABDUGANIYEVICH	Булим мудири	Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	UMAROV DILSHOD DONIYOROVICH	Касаба уюшмаси раиси	Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	RASHIDOV ORIF XUSAN O'G'LI	Врач фтизиатр	Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.04.2022 года № лота 68421.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Апрел учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Декабр учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00

Валюта	UZS
<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Ноябр учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS
<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Октябр учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS
<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Сентябр учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS
<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Август учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS
<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>

Подробное описание	Июл учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Июн учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Май учун аутсорсинг хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	112 000 000.00
Стартовая сумма	112 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FOOD SWEET WORK	25	Жамиятимиз балансида 2 та иссик овкатларни ташийдиган 4 та ижара асосида фаолият юритадиган жами 6 та махсус техникаларимиз бор	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	25	махсус техникаларимиз бор	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ	25	хужжат бириктирилди хамда талаб килинса етказиб хам берилади малакали ошпазларига эга уларн диплом ва сертификатлари мавжуд лекин бириктириладиган жой куйилмаганлиги учун хужжатларга аралаштирмадик такдим килинади	15	Экспертная		
ЧП THE BEST INDUSTRIAL	25	файл юкланди	15	Экспертная		
NAVBAHOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ	25	маълумотнома такдим этилади	10	Экспертная		
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	25	Корхонамиз баланста 2 дона махсус аутсорсинг хизмати учун транспорт мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари ва ошпазлар малакаси тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари ва ошпазлар малакаси тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FOOD SWEET WORK	25	Жамиятимизда доимий ишлайдиган 10 га якин малакали ошпазларимиз фаолият юритади	15	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	25	8 та доимий ошпазлар билан таъминланган	8	Экспертная		
JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ	25	хужжат бириктирилди хамда талаб килинса етказиб хам берилади	15	Экспертная		
ЧП THE BEST INDUSTRIAL	25	файл юкланди	20	Экспертная		
NAVBAHOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ	25	ишчилар маълумоти такдим этилади.	15	Экспертная		
УЧ-ТЕПА	25	Корхонамизда 25	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА		нафар доимий ишчи ва 4 нафар малакали ошпаз фаолият юритади				

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FOOD SWEET WORK	25	жамиятимизнинг молиявий ҳолати тугрисида маълумотнома илова қилинади	10	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	25	Жамиятимизнинг молиявий аҳоли яхши	10	Экспертная		
JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ	25	хужжат бириктирилди ҳамда талаб қилинса етказиб ҳам берилди	20	Экспертная		
ЧП THE BEST INDUSTRIAL	25	файл юкланди	15	Экспертная		
NAVBAHOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ	25	маълумотлар такдим этилади	10	Экспертная		
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	25	Баланс маълумоти такдим иқлинди	25	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг иссиқ оқват таъиноти буйича баъжарган ишлари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг иссиқ оқват таъиноти буйича баъжарган ишлари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FOOD SWEET WORK	25	Жамиятимиз иссиқ оқват тайёрлаш буйича 3 йиллик иш малакасига эга ва маълумотнома такдим этилади	15	Экспертная		
ERK CAPITAL	25	Жамиятимиз	8	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUXE MCHJ		томонидан сифатли иссик овкат билан таъминлаб бера олади				
JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ	25	хужжат бириктирилди хамда талаб килинса етказиб хам берилади	15	Экспертная		
ЧП THE BEST INDUSTRIAL	25	файл юкланди	20	Экспертная		
NAVBAHOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ	25	Бажарилагн ишлар тугрисида маълумот такдим этилади	15	Экспертная		
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	25	Корхонамиз 16 йиллик иш тажрибасига эга	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	1 008 000 000.00	918 000 000.00	22.04.2022 08:16:32	5.00
FOOD SWEET WORK	1 008 000 000.00	1 007 998 992.00	20.04.2022 13:07:36	4.55
NAVBAHOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ	1 008 000 000.00	945 000 000.00	21.04.2022 17:27:21	4.86
ERK KAPITAL LUXE MCHJ	1 008 000 000.00	1 008 000 000.00	20.04.2022 14:41:33	
JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ	1 008 000 000.00	990 000 000.00	21.04.2022 07:33:56	4.64
ЧП THE BEST INDUSTRIAL	1 008 000 000.00	963 000 000.00	21.04.2022 16:28:47	4.77

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	59.85	5	64.85
FOOD SWEET WORK	57	4.55	61.55
NAVBAHOR GRATEFUL GARDEN SERVICE MCHJ	47.5	4.86	52.36
ERK KAPITAL LUXE MCHJ	43.7		43.7
JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ	61.75	4.64	66.39
ЧП THE BEST INDUSTRIAL	66.5	4.77	71.27

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 68421 от 26.04.2022 года на приобретение Аутсорсинг hizmeti определила победителем:

ЧП THE BEST INDUSTRIAL  
306829552

и резервный исполнитель: JOMBOY PARXEZ TAOM MCHJ (306300104)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	KURAKOV OMON ABDUGANIYEVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MUSURMONOV FAZLIDDIN XUDAYBERDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	TAGAYEV XURSHID XUSENOVICH	Согласен	
Член комиссии	RASHIDOV ORIF XUSAN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП